

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатта олиниди

№ 4005-31

2013 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг
2013 йил “20” декабр даги
“486” сонли буйруғи билан тасдиқланган.

БАҲОЛАШ ИШИ ВА СУГУРТА ИШИ

олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари
умумкасбий ва маҳсус фанлари педагоглари учун малака ошириш
йўналишининг ўкув ластури

Тошкент – 2013

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

Малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2013 йил 20 декабдаги 5-сонли баёни билан маъқулланган.

Тузувчилар: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов - ТДПУ ҳузуридаги тармоқ маркази директори
п.ф.н. Ф.Т.Эсанбобоев - ЎзМУ ҳузуридаги минтақавий марказ директори
и.ф.д., проф. Г.Н.Ахунова - ТДИУ ҳузуридаги тармоқ маркази директори
и.ф.н., доц. Х.А.Курбонов - ТДИУ, “Давлат молияси ва солиқлар” кафедраси доценти
к.ўқ. М.Ж.Бауетдинов - ТДИУ, “Саноат иқтисодиёти” кафедраси катта ўқитувчиси
к.ўқ. А.Т.Агзамов - ТДИУ, “Давлат молияси ва солиқлар” кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчилар: и.ф.д., проф. Т.Шодиев – ТДИУ ҳузуридаги Тармоқ марказ бўлим бошлиғи
и.ф.н., доц. С.К.Худойқулов – ТДИУ, “Давлат молияси ва солиқлар” кафедраси мудири.

Ўқув дастурлари Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашида тавсия қилинган (2013 йил 29 ноябрдаги 4-сонли баённома).

Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илфор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва кўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларнинг педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усусларни амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Умумий тайёргарлик модули:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари;
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-хуқуқий асослари;
- ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш

Умумкасбий тайёргарлик модули:

- Олий таълим педагогикаси ва психологияси;
- Электрон педагогика асослари;
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат;
- Амалий хорижий тил;

- Тестология асослари;
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги;
- Ахборот хавфсизлиги.

Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Суғурта иши;
- Бизнесни баҳолаш;
- Молиявий менежмент.

Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти;
- Мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар.

Танлов фанлари модули.

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари “Баҳолаш иши ва суғурта иши” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Баҳолаш иши ва суғурта иши” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб масалалари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда хуқуқий-меъёрий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;

- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- умумкасбий ва ихтисослик фанлари йўналишлари жараёнлари, қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;
 - таълим соҳасидаги инновацияларни;
 - жамиятни ва таълимни ахборотлаштириш технологияларини;
 - умумкасбий ва ихтисослик фанларининг сўнгги ютуқларини;
 - мутахассислик фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
 - ўқитувчининг инновацион фаолиятини;
 - замонавий таълим методларини;
 - электрон педагогика асосларини;
 - тестология асосларини;
 - суғурта тизими ривожланишининг қонуниятларини;
 - суғурта тизими ҳолатини;
 - суғурта компанияларининг инвестиция фаолиятини;
 - Ўзбекистон Республикасида суғурта қонунчилиги асосларини;
 - суғуртавий сиёsat стратегияси ва тактикасини;
 - суғурта ишини ташкил этиш тамойилларини суғурта категориясининг мазмун моҳияти, объектив зарурлиги, суғурта қилиш усусларини;
 - Ўзбекистон Республикасида суғурталашнинг ўзига хос хусусиятларини;
 - бизнесни баҳолашнинг назарий асосларини ва жараёнларини;
 - молиявий менежментнинг назарий асосларини, босқичлари ва жараёнларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
 - қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва башоратлаш;
 - таълим сифатини назорат қила олиш;
 - ўқув-методик ҳужжатларни яратади олиш;
 - таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
 - педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишнинг самарали шаклларини;
 - электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
 - педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
 - шахсий педагогик ва методологик маданиятни ривожлантириш;

- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- суғурта компанияларининг молиявий ресурсларини бошқаришнинг асосий усуллари, молиявий фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари;
- миллий ва халқаро даражада суғурта тизимининг амал қилиши;
- суғуртавий маблағларни инвестиция қилиш тамойиллари;
- суғурта компаниялари фаолиятини прогнозлаштириш усуллари, молиявий режаларни, ривожланиш дастурларини тузиш;
- суғурта категориясининг мазмун моҳияти, турлари, усулларини илмий-назарий негизини тадқиқ этиш;
- суғурта фаолиятига оид маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш, суғурталаш жараёнларини тушуниш;
- суғурта иши ва суғурталашга оид иқтисодий қонунларни амал қилишини тушуниш ва ривожланиш жараёнини таҳлил этиш;
- бизнесни баҳолаш категориясининг мазмун моҳияти, турлари, усулларини илмий-назарий негизини тадқиқ этиш;
- бизнесни баҳолаш фаолиятига оид маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш, баҳолаш жараёнларини тушуниш;
- бизнесни баҳолашга оид иқтисодий қонунларни амал қилишини тушуниш ва ривожланиш жараёнини таҳлил этиш;
- кўчмас ва харакатдаги мулкларни баҳолаш фаолиятига оид маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш, кўчмас мулкларни баҳолаш жараёнларини тушуниш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- педагогик мониторинг олиб бориш;
- умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишида диагностиканинг замонавий методларидан фойдаланиш;
- мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- мутахассислик фанларини ўқитишининг дидактик таъминотини яратиш;
- коммуникатив вазифаларни хал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш;
- ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича;
- суғурта компаниялари молиявий фаолиятни ташкил этишнинг ҳукукий асослари;
- суғурта ва суғурта қилиш амалиётининг ўзига хос хусусиятлари;
- суғурта бозорини тадқиқ этиш усуллари;
- суғурта воситасида молиявий барқарорликни таъминлаш усуллари;
- суғурта бозорини тартибга солиш услублари ҳақида суғурта ишини амалга ошириш;
- бизнесни баҳолаш бўйича таҳлилларни амалга ошириш;

- қўчмас ва харакатдаги мулкларни баҳолаш ҳамда уни амалга ошириш механизми бўйича **малакалариға** эга бўлиши зарур.

Курсни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Модулларни ўқитишда дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гурухларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш курси 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

«Баҳолаш иши ва сұғурта иши» малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркиби мазмуни

I. Умумий тайёргарлик модули

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндошувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг сиёсий институтлар, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамият ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият қуришнинг муҳим шарти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти эканлиги. Мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидағи замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиши. Миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-хукукий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фан дастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий хужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

1.3. ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.

Умумий сифат менежменти тушунчаси, унсурлари, асосий ғояси ва тамойиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва босқичлари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёнининг сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳиятини баҳолаш мезонлари. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битирувчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. Олий таълим муассасаларининг рейтинги. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

Таълимдаги инновацион технологиялар. Олий таълим муассасасида ўқув-услубий фаолиятни модернизациялашнинг асосий йўналишлари.

Инновацион таълим технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш. Халқаро ҳамкорлик ва хориж тажрибаси. Профессор-ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари, чет тиллар ва педагогик технологиялар бўйича саводхонлигининг ошириш масалалари.

Олий таълимнинг электрон ахборот-ресурслари ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминотини янада ривожлантириш.

II. Умумкасбий тайёргарлик модули

2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб масалалари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари. Педагогик

тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

2.2. Электрон педагогика асослари.

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча. Ахборот – коммуникация технологияларининг воситалари. Янги ахборот технологиялари, ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристики. Замонавий коммуникация технологиялари. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш. Ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари. Электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби. Таълимий ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилари, ташувчилари. Ўқитишининг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишининг интерфаол технологиялари.

2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информацион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогик мулокот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилияtlари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараённи технологик лойиҳалаштириш.

2.4. Амалий хорижий тил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва мулоқотларни ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг учта асосий даражаси. Сўз бирикмалари атрофига мулоқот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишида, бўш вақтларда бўладиган сухбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий мулоқот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид мулоқот. Йирик, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўнимаси. Фикрни равон ифодалаш. Чет тилида бўлган интернет матнларининг асосий ғоясини тушуниш. Таржима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

2.5. Тестология асослари.

Тестология тушунчаси. Тестологиянинг тавсифи. Тестология ва унинг фаолият соҳалари. Тестологиянинг фан сифатида шаклланиш босқичлари.

Тест тузиш методикаси. Тестларнинг турлари, мазмuni ва кўрсаткич нормалари. Тестларнинг стандарт меъёрлари. Ёш нормалари. Гурухий нормалар. Нисбий норма. Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари. Ижтимоий-гуманитар ва аниқ-табиий фанлар бўйича тест тузиш тартиби. Тест саволларини Давлат тест марказига тақдим этиш форматлари.

2.6. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳақида тушунча. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади ва вазифалари.Faолият хавфсизлигини таҳлил қилиш. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг асосий тушунчалари, мазмуни.Хавфлар, уларнинг таснифи. Faолият хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, услублари. Faолият хавфсизлиги психологияси. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳукуқий ҳужжатлар.Ўзбекистон шароитида техноген вазиятлар ва фавқулодда ҳолатларда таълим муассасаларида ходимлар, ўқувчи-талабалар ҳаракатини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш. Экологик маърифат ҳақида тушунча. Экологик таълим-тарбия мазмуни, методикаси. Экологик маданият ва уни барқарор тараққиётни таъминлашда тутган ўрни.

2.7. Ахборот хавфсизлиги.

Ахборот хавфсизлиги ва уни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари. Ахборот хавфсизлиги турлари. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Логин ва пароль тушунчаси. Идентификация ва аутентификация. Конфиденциал ахборот. Ахборот хавфсизлигининг концептуал модели. Ахборотларни ҳимоялашнинг криптографик усуллари. Электрон рақамли имзо ва ундан фойдаланиш. Интернет тизимидан олинаётган ахборотларнинг ишончлилиги, ўкув жараёнида Интернет манбаларидан фойдаланиш ва уларнинг ўкув мақсадларига мослиги.

III. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули

3.1. Суғурта иши.

Суғурта муносабатларида қатнашувчи томонларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари. Суғурта заҳираларидан фойдаланиш билан боғлиқ атама ва тушунчалар. Суғурта ҳодисаси. Суғурта суммаси ва суғурта қопламаси. Суғурта жавобгарлик ҳажми. Суғурта риски. Суғурта далолатномаси. Франшиза. Чет мамлакатларда суғурта иши. Халқаро суғурта ташкилотлари орқали киритилган атамалар: “Яшил карта”, “СИФ”, “КОФ” ва бошқа атамалар.

Суғурта бозори тушунчаси ва унинг иштирокчилари. Суғурта бозорининг профессионал ва профессионал бўлмаган иштирокчилари. Ўзбекистон суғурта бозори ривожланишини акс эттирувчи асосий кўрсаткичлар. Суғурта бозорининг турлари. Минтақавий суғурта бозори ва уни ташкил этилиши. Халқаро суғурта бозори ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари. Суғурта бозори инфратузилмасининг суғурта бозори ривожланишидаги аҳамияти. Суғурталовчилар уюшмаси ва унинг вазифалари. Актуарийлар маркази ва консалтинг фирмалари. Суғурта бозорида монополистик фаолиятни олдини олиш, чеклаш ва барҳам бериш. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш зарурлиги. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш шакллари. Суғурта фаолиятини тартибга солиш ваколатига эга бўлган давлат органлари.

Давлат суғурта назорати органи: унинг функция ва вазифалари. Суғурта фаолиятини тартибга солишга қаратилган асосий меъёрий ҳужжатлар. Суғурта фаолиятини лицензиялашда зарур бўладиган ҳужжатлар ва уларни экспертизадан ўтказиш тартиби. Лицензияни чақириб олиш ва вақтинчалик тўхтатиш шартлари.

3.2. Бизнесни баҳолаш.

Бизнесни баҳолашнинг умумий тамойиллари. Активларни баҳолаш. Узок муддатли активлар самарадорлигини баҳолаш. Асосий ишлаб чиқариш фондлар

қийматини баҳолаш. Кўчмас ва харакатдаги мулкларни баҳолаш. Айланма ишлаб чиқариш фондларининг туркумланиши ва уни баҳолаш. Айланма ишлаб чиқариш фондлари алоҳида элементларининг самарадорлигини баҳолаш. Инвестицион лойиҳалар иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Корхона капитали таркиби ва унинг алоҳида элементлари самарадорлигини баҳолаш. Капиталлар таркиби ва капиталларнинг ўртача тортилган қийматини баҳолаш.

Корхоналарнинг молиявий натижаларининг шаклланиши ва тақсимланишини баҳолаш. Корхона тўлов қобилияти ва рентабеллиги.

Кўчмас ва харакатдаги мулкларни баҳолашга ёндашувлар: даромадли ёндашув, харажатли ёндашув, қиёсий бозор баҳоси ёндашуви. Пул оқимлари харакатини баҳолаш.

3.3. Молиявий менежмент.

Молиявий менежментнинг мақсади ва вазифалари. Молиявий ресурслар ва уларнинг шаклланиш манбалари. Молиявий менежментнинг функционал элементлари. Корхоналарда молиявий режалаштиришнинг замонавий усуллари. Корхонада ички корпоратив назорат ва аудитни ташкил этиш.

Корхона пассивларини бошқариш. Корхонанинг ўз капитали элементлари ва уларни бошқариш. Корхонанинг мажбуриятлари: таркиби ва алоҳида элементларининг сифат тавсифи. Узоқ муддатли мажбуриятлар ва уларни бошқариш. Қисқа муддатли мажбуриятлар ва уларни бошқариш.

Активлар таркиби ва уларнинг сифат тавсифлари. Узоқ муддатли активларни бошқариш. Корхонанинг айланма активлари ва уларни бошқаришнинг замонавий усуллари. Корхона пул оқимларини бюджетлаштириш ва бошқариш.

Корхонанинг молиявий натижалари: шаклланиш манбалари ва уларни тақсимланиш тизими. Фойда ва унинг турлари. Фойданинг тақсимланиш тизими. Корхона харажатлари ва уларни бошқариш. Корхонанинг бюджет билан ўзаро муносабатлари.

Корхонанинг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларини бошқариш. Корхонанинг ликвидлилиги ва тўлов қобилияти. Корхонада инқирозга қарши бошқаришни ташкил этиш. Корхоналарнинг молиявий ҳолатини бошқаришнинг замонавий усуллари.

IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули

4.1. Мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти.

Олий таълим тизими инфраструктураси. Олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисларни умумкасбий ва маҳсус фанлар учун яратилган дидактик таъминот. Инновацион ўкув машғулотларининг методик

таъминоти. Ўқув машғулотларини инновацион дидактик материаллар асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.

4.2. Мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар.

Олий таълим муассасаси ўқитувчиси шахсига қўйилаётган замонавий талаблар. Инновацион фаолият тузилмаси. Педагогик жараёнда инновация. Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари. Ўқитувчининг инновацион фаолияти хусусиятлари. Ўқитувчи фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндашувлар.

V. Танлов фанлари модули

Умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича тингловчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб марказ танлов фанлар модулининг таркибий қисми ва мазмунини белгилайди.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, тестология асослари, ахборот хавфсизлиги, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, сугурта иши, бизнесни баҳолаш, молиявий менежмент, мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти, мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар, илғор хорижий педагогик тажрибалар мавзулари доирасида олиб борилади. Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этилади.

Мустақил соатларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил соатларни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- малакавий иш;
- тақдимот (танланган мавзу асосида тақдимот тайёрланади);
- мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш;
- мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш;
- ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Малакавий иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб, уни бажаришда қуйидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул вараги;
- кириш;

- асосий қисм;
- хулоса;
- фойдаланган адабиётлар рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни муроала қилиш;
- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- мультимедия дарслекларини яратиш мезонлари;
- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
- касбий педагогика муаммолари;
- интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва муроала қилиш;
- малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;
- дарснинг маъruzаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;
- касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;
- педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;
- ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.

Малакавий иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

Тавсия этилаётган малакавий иш мавзулари:

- Замонавий педагогик технологиялар орқали мутахассислик фанларини ўқитиши лойиҳалаш.
 - Ахборот – коммуникация технологиялари воситаларидан таълим жараёнида фойдаланишнинг истиқболли йўналишлари ва келажаги.
 - Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи, намойиш этувчи дастурлар, назорат қилувчи дастурлар, ўргатувчи дастурлар, дастурий воситаларнинг дидактик имкониятлари.
 - Педагогик дастурий воситаларда ўқув фаолиятини бошқариш.
 - Талабаларда эркин фикрлашни шакллантиришда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг психологик аҳамияти.
 - Замонавий маркетингда тақсимот сиёсати
 - Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш йўллари.
 - Таълим тизимида маркетинг хизмати самарадорлигини ошириш йўллари
 - Суғуртанинг иқтисодий моҳияти, унинг функциялари.
 - Суғурта бозори ва унинг элементлари.
 - Суғурта муассасалари молиясининг хусусиятлари ва уларга таъсир килувчи омиллар.
 - Суғуртанинг турлари ва таснифланиши.
 - Суғурта ташкилотларининг молиявий моделлари.

- Кўчмас мулкларни баҳолаш усуллари.
- Корхоналар асосий воситалари иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари.
- Айланма ишлаб чиқариш фонdlар самарадорлигини баҳолаш.
- Инвестициялар иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг хорижий мамлакатлар тажрибалари.
- Мамлакатимизда суғурта бозорини шаклланиши ва ривожланиши.
- Суғурта хизматлари бозорида актуарийлар ва сюрвеверлар фаолиятини ривожлантириш йўллари.
- Суғурта компанияларининг молиявий ҳолатини барқарорлаштириш масалалари.
- Корхонанинг рақобатбардошлигини оширишда менежмент усулларидан фойдаланиш.
- Ишлаб чиқариш корхоналарида стратегик менежментини ташкил этиш йўллари.
- Инновацион менежмент ва уни корхоналар фаолиятида ривожланиши .
- Тижорат банклар фаолиятида молиявий менежментини ташкил этиш ва такомиллаштириш йўллари.
- Иқтисодиёт тармоқларида бошқарув тизимини менежмент жиҳатлари асосида такомиллаштириш.
- Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари.
- Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида корхонада менежмент тизимини ташкил этиш.
- Замонавий менежментда ташкилий муносабатларнинг аҳамиятининг ортиб боришига таъсир этувчи омиллар.
- Корхоналарда молиявий режалаштиришнинг замонавий усулларидан фойдаланиш йўллари
- Корхонада ички корпоратив назорат ва аудитни ташкил этишни такомиллаштириш.

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методларини, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши:

- модулларнинг барча маъruzалари бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлашни;
- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни;
- тингловчиларнинг илғор тажрибаларни ўрганишни ва оммалаштириш назарда тутилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 1997 йил 29 август. Т.: “Адолат”, 1997 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонуни. Олий таълим. Меъёрий хужжатлари тўплами: Муаллифлар жамоаси. – Т.: Шарқ , 2001 й.
4. “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.- Т.: «Ўзбекистон», 14 декабр 2000.
5. «Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. - Т.: “Ўзбекистон”, 26 август 2004.
6. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Т.: Ўзбекистон, 25 декабр 2007.
7. “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, “Ҳалқ сўзи”, 1998 й., 15 май 2- бет.
8. Каримов И.А. Бош мақсадимиз - кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.-Тошкент: Ўзбекистон, 2013.
9. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: Ўзбекистон. –Т.: 2011.
11. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.- Т.: Ўзбекистон. –Т.: 2010.
12. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият. –Т.: 2008.
13. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари – Т.: Ўзбекистон, 2009.
14. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
15. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
16. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
17. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
18. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
19. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
20. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
21. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
25. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000 й. - 218 б.
26. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005 й. - 213 б.
27. Гордон Драйден, Джанет Вос. Революция в обучении. – перевод с англ. – М.: Парвинэ, 2003 – 670 с.
28. Гусева А.И. Работа в локальных сетях. - М.: 1996.- 218 с.
29. Гуломов С.С., А.Х.Абдуллаев. “Виртуальные стенды для имитации функций учебных мастерских и лабораторных установок”. МВССО. Т.,2002.- 98 с.
30. Саттаров И., Б.Ф.Қодиров, У.Ш.Бегимқулов.“Компьютерда лаборатория ишлари”. Т. ТДПУ нашриёти. 2002 й.- 143 б.
31. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбикий асослари – Т.: 2006 й. - 163 б.
32. Холмуродов Р.И., М.Х. Лутфуллаев. “Замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш”, Т.,ЎзРФА «Фан», 2003 й. - 176 б.
33. Югай А.Х. Лабораторно-практические занятия по психологии - Т.: ТДПУ, 2008 г.- 92 с.
34. Юлдашев У.Ю.Боқиев Р.Р. Зокирова Ф.М.Информатика-Т.,2002 й. -163 б.
35. К.Шониёзов Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни -Т.: Фан, 2001. 64-98 бетлар.
36. Қ. Усмонов, М. Содиков.С. Бурхонова. Ўзбекистон тарихи. Дарслик.. –Т.: Иқтисод-молия, 2006.
37. Муртазаева Р.Х. История Узбекистана. Учебник. -Т.: 2005.
38. Исломов З.М. Ҳукуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. Ўкув қўлланма. -Т.: ТДЮИ, 2004. -138 б.
39. Исломов З.М. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. –Тошкент: ТДЮИ, 2002, 7 б.
40. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти.-Т.;Шарқ, 2002.- 320 б.
41. Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳукуқ назарияси таъриф ва чизмаларда: Ўкув қўлланма - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002.

42. Дюжиков Е.Ф. Контроль и аудит страховой деятельности. Учебно-методический комплекс для студентов, обучающихся по специальности 080105.65 «Финансы и кредит» специализации «Страхование». – М.: Финакадемия, кафедра «Страховое дело», 2009. – 27 с.
43. Gadoev E.F., Qurbonov X.A. Moliya. - T. O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2005.- 189 б
44. Boev X.I. Sug'urta ishi. - T. O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2005.- 124 б Боев X. Суғурталаш. - Тошкент: Адабиёт жамғармаси нашриёти, - 2005. – 75 б.
45. Қўлдошев Қ.М. “Суғурта бозори” Ўқув қўлланма. Тошкент ТДИУ, - 2011 181 б.
46. Қўлдошев Қ.М. ”Суғурта бозорини ривожлантириш ва бошқариш муаммолари” Монография. Тошкент ТДИУ, 2010, 120 б.
47. Абрамов В.Ю. Страхование. - М.: Волтерс Клювер, 2007 – 504 с.
48. Гаврилова С.С. Страхование. - СПб.: Вектор, 2006. – 256 с.
49. Денисова И.П. Страхование. Издание второе. – М.: ИКЦ МарТ, Ростов н/Д: МарТ, -2007 – 240 с.
50. Никулина Н.Н., Берёзина С.В. Страхование М.: Юнити, - 2008 112 с.
51. Рябикова В.И. Страхование. – М.: Экономист, -2006. – 120 с.
52. Чинёнов М.В. Страхование внешнеэкономической деятельности. – М.: Омега – Л, -2007. – 205 с.
53. Федорова Т.А. Страхование. – М.: Экономист, -2005. – 210 с.
54. Юлдашев Р.Т. Организационно-экономические основы страхового бизнеса. - М.: Анкил, - 2002. – 205 с.
55. Архипов А.П., Гомелля В.Б., Туленты Д.С. Страхование: современный курс.- М.: Финансы и статистика , – 2007. – 205 с.
56. Акинин П.В., Русецкая Э.А. Практикум по курсу страхования. – М.: Финансы и статистика, -2007. – 111 с.
57. Архипов А.П., Гомелля В.Б. Основы страхового дела. Уч. пособие. - М.: Маркет DC, -2002.- 190 с.
58. Сплетухов Ю.А., Дюжиков Е.Ф. Страхование. – М.: Инфра – М, -2004. – 310 с.
59. Сахирова Н.П. Страхование: учеб.пособ.–М.: ТК Велби, -2007.-744 с.
60. Скамай Л.Г., Мазурина Т.Ю. Страховое дело: Учеб. пособие. - М.: ИНФРА-М,- 2004.- 212 с.
61. Климова М.А. Страхование: Учеб. пособие. - М.: Издательство ПРИОР, -2004.- 190 с.
62. Гриденко Н.Б. Основы страховой деятельности: Учеб. пособие. - М: Финансы и статистика, - 2004.- 210 с.
63. Боев X.I., Боева Ж.Б., Мирзоев С.Ф. Суғурта бозори. – Бухоро: Матбаа, -2003. – 75 б.

Интернет маълумотларн:

1. www.press-service.uz
2. www.gov.uz
3. www.uz
4. www.press-uz.info
5. www.infocom.uz
6. www.mf.uz
7. www.soliq.uz
8. www.ziyonet.uz
9. www.edu.uz
10. www.tdiu.uz
11. www.lex.uz
12. www.stat.uz
13. www.mineconomy.uz